БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 16 (17.596). • 19 январь 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

## АҲДГА ЯРАША

ТЕРМИЗ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Жарқўрғон районидаги Н. Боймуродов номли колхознинг моҳир сут соғувчиси, ВЛКСМ аъзоси Г. Азимова етти йилдирки хўжаликнинг сут-товар фермасида меҳнат қилиб илғорликни қўлдан бермай келяпти. Хусусан, унинг 1979 йилдаги кўрсаткичлари тоят қувонарли бўлди. У ўзига бириктирилган 22 бош сигирнинг ҳар биридан 3500 литрдан сут соғиб олди.

Моҳир сут соғувчи Г. Азимова чорва маҳсулдорлигини қиш фаслида ҳам камайтирмаслик ҳақидаги Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилиб, ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. У беш йилликнинг якунловчи йилида боқимдаги сигирларнинг ҳар бошидан 4000 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилди.

Колхоз сут соғувчиларининг карвонбоши Г. Азимова сайловлар куни — 24 февралгача сут соғиб топшириш бўйича биринчи квартал планини ошириб бажаришга ҳаракат қилмоқда.

# ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ЯХШИЛАНСИН

**Капитал қурилиш — экономиканинг етакчи бўғинларидан бири. Бугунги кунда асосий эътибор капитал қурилишни ривожлантиришда хўжалик юритишнинг интенсив методларига, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга қаратилмоқда. КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумида уқтириб ўтилганидек, бунинг учун тоят катта имкониятлар ва катта резервлар мавжуд. Аммо ана шу имконият ва резервлардан мумкин кадар кўпроқ фойдаланмоқ учун бутун хўжалик механизмининг ишини такомиллаштириш, қурилиш комплексининг қўламлари ва вазифаларига мос келадиган ихчам ташкилий структурани вужудга келтириш лозим бўлади.**

**КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга хўжалик механизмининг таъсирини кучайтириш тўғрисидаги қарорида капитал қурилишга кўп эътибор берилган. Партия XXV съездининг қарорларига мувофиқ бу тармоқни икки-уч бўғинли бошқариш системасига ўтказиш кўзда тутилган, бу эса раҳбарлик органларининг ҳуқуқ ва бурчларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг структурасини соддалаштириш, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, ишда оперативчилик ва ихчамликни ошириш имконини беради.**

**Ҳозирги вақтда қурилиш министрликлари ва идораларида бошқаришнинг бош схемалари ишлаб чиқилмоқда. Ана шу лойиҳаларда ва масъулиятли ишда шундай схемалар бундан бир неча йил муқаддам яратилган саноат тажрибасидан ижодий фойдаланиш керак. Автомобиль, химия, электротехника саноати, энергетика машинасозлиги практикасида кўпгина қимматли тажриба тўплэнган. Буларда орғлиқ бўғинлари тугатилган, корхоналар йирик ишлаб чиқариш ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларига қўшилган. Айни шундай бошқариш структураси иш самарадорлиги ва сифатини ўстиришга ёрдам беради, техника тараққиёти талабларига мос келади. Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги коллективларида бу соҳада ҳозирдаёқ кўпгина ишлар қилинди.**

**Бирлашмалар қурилишда хўжалик ҳисобидаги асосий бўғинлар бўлади. Яқинда СССР Госстройи тасдиқлаган. Низомда бирлашмаларнинг структураси, вазифалари, ҳуқуқлари ва бурчлари белгилаб берилган. Қурилиш-монтаж бирлашмаларига кенг мустақиллик берилади, уларнинг ташаббуслари ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштиришга, фан ва техника ютуқларидан, илғор тажрибадан тўлароқ фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама оширишга сафарбар этилиши лозим. Хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорда кўзда тутилганидек, ана шу коллективларнинг иши пировард натижалар — батамом тугалланган ва буюртмачиларга топширилган объектларга қараб баҳоланади. Ҳозир министрликлар ва идоралар бошқаришнинг бош схемаларини тезроқ тайёрлаб, уларни активлик билан амалга оширишлари керак.**

**Қурилишни бошқариш системасини такомиллаштира бориб, саноатда йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик муҳимдир. Масалан, кўпинча структура бўғинларининг номларигина ўзгаргани ҳолда ишнинг моҳияти аввалгидек қолаверди. Бош схемаларнинг лойиҳаларида иқтисодий районларни комплекс ривожлантириш, манфаатлари етарлича эътиборга олинмади, маҳаллий органлар майда корхоналарни йирик бирлашмаларга қўшиш тўғрисидаги таклифларни ҳамиша ҳам қўллаб-қувватлайвермадилар. Қурилиш министрликлари бундай кўринишларга қарши қатъият билан курашишлари, психологик тўсиқларни дадиллик билан бартараф этишлари, маҳаллийчилик ва маҳкамачилик тенденцияларига чек қўйишлари лозим.**

**Дастлабки қурилиш бирлашмаларининг тажрибаси улар талайгина қийинчиликларга дуч келаётганликларини кўрсатди. Масалан, Калининград областида шундай бирлашма ўтган йил бошидан ишлай бошлади. Бу бирлашма йиғирмата мустақил бошқармаларни ва механизациялаштирилган кўчма колонналарни қамраб олди. Лекин ана шу бошқармалар ва колонналарнинг кўпчилиги ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Бу планлаштиришнк, пул билан таъминлашни, бухгалтерлик ҳисоб-китобини чигаллаштирди. Бўлинмаларни қўшиш тўғрисидаги таклифни маҳаллий органлар қўллаб-қувватлашмадн. Бирлашмаларни ташкил этишга бундай ёндашувга партия ва план органлари, СССР Госстройи принципиал баҳо беришлари керак.**

**Ҳар қандай янгилик деярли ҳамиша эски анъаналар ва одатларни енгиб ўтиш билан боғлиқ бўлади. Гап хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг фикр юритишидаги муайян силжиш тўғрисида бормоқда. Совет инженери у ёки бу лавозимни эгаллаб туришидан қатъи назар бошқариш фанини муттасил эгаллаб бориши, ўзининг иқтисодий билимларини бойитиши, ишга партиявий ёндашиш намунасини кўрсатиши шарт. Янги бошқариш системасини жорий этиш чоғида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш учун маҳаллий партия комитетлари, қурилиш министрликлари ҳамда идораларнинг партия комитетлари ва коллегиялари зиммасига жуда катта масъулият тушади. Бирлашмаларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини моҳирлик билан танлаш — ишлаб чиқариш асосий бўғинининг муваффақиятли ишлаши учун шарт-шароит яратиш демакдир.**

**Капитал қурилишни бошқаришни такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичи халқ хўжалигининг мана шу муҳим тармоғидаги ишларни сезиларли даражада яхшилашга олиб келиши керак. Ишларни индустриалштириш ва механизациялашга, илғор меҳнат усулларини кенг ўзлаштиришга, ички резервлардан, прогрессив технологиядан фойдаланишга эътиборни кучайтириш керак бўлади. Орёл, Таллин, Вильнюс, Ленинград ва Москва коллективларининг тажрибаси шундан далолат берадики. бу ишга хўжалик ҳисобидаги лойиҳалаш-қурилиш конвейерларининг қурби етади. Уй-жой, шунингдек саноат профилидаги лойиҳалаш-қурилиш бирлашмаларини ташкил этиш тўғрисида ўйлаб кўрса арзийди.**

**Қурилишни бошқаришни такомиллаштириш жараёни партия ташкилотларининг алоҳида эътибор беришини, актив иштирок этишини тақозо этади. Коллективларда юксак талабчанлик, қурилишни ташкил этишга ижодий ёндашиш вазиятини вужудга келтириш, ташаббускор мутахассисларни масъулиятли лавозимларга кўтаришда ёрдам бериш — партия ташкилотларининг бевосита бурчидир. Партия комитетлари партия ва ҳукумат қарорларининг ижро этилишини текширишга эътиборни кучайтиришлари, кадрларнинг масъулиятини оширишлари лозим.**

**Бошқаришни такомиллаштириш проблемаларини ҳал эта туриб, айни вақтда коллективларнинг куч-ғайратларини бош йилликнинг қурилиш соҳасидаги программасини муваффақиятли адо этишга сафарбар этиш, план ва мажбуриятларни бажариш мақсадида ҳар бир коллектив учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш муҳимдир. Бу — хўжалик юритишнинг янги механизми тўла куч билан ҳаракатга келадиган ўн биринчи беш йилликдаги дадил ишнинг яхши негизи бўлади.**

(«ПРАВДА» газетасининг 17 январдаги бош мақоласи).

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

## ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ОЛИЙ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИГА

# ОЧИҚ ХАТ

Ҳурматли ўртоқлар!

Биз, КПСС Марказий Комитетининг қуйида имзо чеккан аъзолари корхоналар, колхозлар, совхозлар, муассасалар, ўқув юртларининг меҳнат коллективларидан ва ҳарбий қисмлардан, шунингдек округ сайловолди кенгашларидан хат ва телеграммалар олдик, улар бу хат ва телеграммаларида бизни бир қанча сайлов округларидан иттифоқдош республикалар Олий Советлари депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлигимизни хабар қилганлар ва ана шу округларда овозга қўйилиш учун розилик беришимизни сўраганлар.

Бизни иттифоқдош республикалар Олий Советларининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатган ишчиларга, колхозчиларга, инженер-техник ходимларга, хизматчиларга, армия ва флот жангчиларига, барча сайловчиларга астойдил миннатдорчилигимиз ва самимий ташаккуримизни изҳор этамиз.

Биз ўзимизга кўрсатилган юксак шараф ва ишончни тўла-тўкис Коммунистик партиямизга кўрсатилган шараф ва ишонч деб биламиз. Бу ишончни совет жамияти мустаҳкам бирлигининг, совет кишилари КПСС тевирагига жипслашганлигининг, унинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаганлигининг, мамлакатимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми белгилаб берганидек, зарбдор ленинча ишлаш йилига айлантиришга, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнатда янги зафарлар билан нишонлашга, 1980 йил топшириқларини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажаришга интилаётганлигининг далили деб ҳисоблаймиз.

Ҳар биримиз фақат битта сайлов округида овозга қўйилишимиз мумкинлиги сабабли КПСС Марказий Комитети бизга қуйидаги сайлов округларида овозга қўйилиш учун розилик беришимизни тавсия этди.

**Брежнев Л. И.** — РСФСР, Москва шаҳри, Бауман сайлов округи.

**Андропов Ю. В.** — РСФСР, Горький шаҳри, Приокский сайлов округи.

**Гришин В. В.** — РСФСР, Москва шаҳри, Вешняков сайлов округи.

**Громико А. А.** — РСФСР, Москва области, Калининград сайлов округи.

**Кириленко А. П.** — РСФСР, Ленинград шаҳри, Политехника сайлов округи.

**Косигин А. Н.** — РСФСР, Москва шаҳри, Фрунзе сайлов округи.

**Кунаев Д. А.** — Қозоғистон ССР, Олмаота области, Бақанас сайлов округи.

**Пельше А. Я.** — РСФСР, Волгоград шаҳри, Краснооктябрьск сайлов округи.

**Романов Г. В.** — РСФСР, Ленинград шаҳри, Смольний сайлов округи.

**Суслов М. А.** — РСФСР, Куйбишев области, Автозавод сайлов округи.

**Тихонов Н. А.** — РСФСР, Ленинград шаҳри, Обухов сайлов округи.

**Устинов Д. Ф.** — РСФСР, Владимир области, Ковров сайлов округи.

**Черненко К. У.** — РСФСР, Москва шаҳри, Куйбишев сайлов округи.

**Шчербицкий В. В.** — Украина ССР, Днепропетровск области, Баглей сайлов округи.

**Алиев Г. А.** — Озарбайжон ССР, Боку шаҳри, Разин сайлов округи.

**Горбачев М. С.** — РСФСР, Олтой ўлкаси, Марказий сайлов округи.

**Демичев П. Н.** — РСФСР, Ярославль шаҳри, Киров сайлов округи.

**Кузнецов В. В.** — РСФСР, Москва области, Электросталь сайлов округи.

**Машеров П. М.** — Белоруссия ССР, Минск шаҳри, Ленин сайлов округи.

**Пономарев Б. Н.** — РСФСР, Саратов шаҳри, Заводской сайлов округи.

**Рашидов Ш. Р.** — Ўзбекистон ССР, Андижон области, Пахтаобод сайлов округи.

**Соломенцев М. С.** — РСФСР, Челябинск области, Миасс сайлов округи.

**Шеварднадзе Э. А.** — Грузия ССР, Рух сайлов округи.

**Капитонов И. В.** — РСФСР, Москва области, Подольск шаҳар сайлов округи.

**Долгих В. И.** — РСФСР, Липецк шаҳри, Новолипецк сайлов округи.

**Зимянин М. В.** — РСФСР, Воронеж шаҳри, Железнодорожний сайлов округи.

**Русаков К. В.** — РСФСР, Ростов-Дон шаҳри, Пролетар сайлов округи.

Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссияларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш вақтида шу хатни ҳужжат сифатида қабул қилишларини сўраймиз.

БРЕЖНЕВ Л. И.
АНДРОПОВ Ю. В.
ГРИШИН В. В.
ГРОМИКО А. А.
КИРИЛЕНКО А. П.
КОСИГИН А. Н.
КУНАЕВ Д. А.
ПЕЛЬШЕ А. Я.
РОМАНОВ Г. В.
СУСЛОВ М. А.
ТИХОНОВ Н. А.
УСТИНОВ Д. Ф.
ЧЕРНЕНКО К. У.
ШЧЕРБИЦКИЙ В. В.
АЛИЕВ Г. А.
ГОРБАЧЕВ М. С.
ДЕМИЧЕВ П. Н.
КУЗНЕЦОВ В. В.
МАШЕРОВ П. М.
ПОНОМАРЕВ Б. Н.
РАШИДОВ Ш. Р.
СОЛОМЕНЦЕВ М. С.
ШЕВАРДНАДЗЕ Э. А.
КАПИТОНОВ И. В.
ДОЛГИХ В. И.
ЗИМЯНИН М. В.
РУСАКОВ К. В.

1980 йил 18 январь.

*Сайлов тараддуди*

# МУСТАҲКАМ БИРЛИК

Мамлакатда иттифоқдош, автоном республикаларнинг Олий Советларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига 1980 йил 24 февралда ўтказиладиган навбатдаги сайловга кенг миқёсда тайёргарлик кўрилмоқда.

Сайловга ҳозирлик кўраётган совет халқи партия Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларидан, СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг якунларидан руҳланиб, юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати намунасини кўрсатиб, КПСС XXV съезди қарорларини бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли адо этиш учун сабот билан курашмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари ўрток Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Пленумидаги нутқини халқ манфаатларига батамом мос бўлиб тушадиган жанговар ҳаракат программаси, деб қабул қилдилар.

Бўлажак сайлов ҳамма 15 та иттифоқдош республикенинг, 20 та автоном республиканинг Олий Советларига ва халқ депутатлари салкам 51 минг маҳаллий Советларига, шу жумладан 6 та ўлка, 121 та область, 8 та автоном область Советларига, 10 та автоном округ Советларига, 5,7 мингтадан кўпроқ район, шаҳар ва шаҳарлардаги район Советларига ҳамда 45 мингтадан кўпроқ поселка ва қишлоқ Советларига ўтказилади.

Республикаларда иттифоқдош, автоном республикаларнинг Олий Советлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларни ўтказиш ниҳоясига етмоқда, бу йиғилишлар социалистик демократиянинг ёрқин тантанасига айланиб кетмоқда, коммунистлар билан партиясизлар блокининг бузилмас бирлигини намойиш этмоқда, меҳнаткашлар КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаб маъқуллаётганликларидан, совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагига маҳкам жипслашганлигидан далолат беради.

Сайловолди йиғилишларида барча республикаларнинг меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, тинчлик ва коммунизм иши учун матонатли курашчи, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни депутатликка ўзларининг биринчи номзоди қилиб зўр яқдиллик билан кўрсатдилар. Депутатликка биринчи номзодлар орасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, партия Марказий Комитетининг секретарлари номлари ҳам айтилди.

Илғор ишчилар ва колхозчилар, халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари ва раҳбарлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, фан ва маданият намояндалари, студентлар, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг ҳарбий хизматчилари республикалар Олий Советларининг ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилмоқда. Сайловолди йиғилишларида депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сайланмоқда.

Мамлакатда иттифоқдош республикалар Олий Советларига сайлов ўтказувчи 6.730 та сайлов округи, автоном республикаларнинг Олий Советларига сайлов ўтказувчи 3.460 та сайлов округи ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказувчи 2.270 мингтадан ортиқ сайлов округи тузилди.

Иттифоқдош, автоном республикаларнинг Олий Советларига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиялари, ўлка, область, округ (автоном округ), район, шаҳар, шаҳарлардаги район, поселка, қишлоқ ва округ сайлов комиссиялари тузилди ҳамда актив иш олиб бормоқда. Участка сайлов комиссиялари тасдиқланди ва ишга киришди.

Ҳаммаси бўлиб 936.817 та сайлов комиссияси тузилган. Уларнинг составида меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларидан 8,6 миллиондан кўпроқ вакил бор. Комиссияларда жамиятимиз барча қатламлари ва социал группаларининг вакиллари иштирок этмоқда. Ишчилар ва колхозчилар 57,8 процентни, КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлари 40,7 процентни, партиясизлар 59,3 процентни, хотин-қизлар 49,2 процентни, ўттиз ёшга етмаган йигит ва қизлар 31,5 процентни, ВЛКСМ аъзолари 21,0 процентни ташкил этади. Сайлов комиссиялари таркибининг 48,8 проценти ишчилар ва колхозчилардан иборат.

Шаҳарларда, поселкаларда, қишлоқларда ва бошқа аҳоли пунктларида 173 мингтадан зиёд сайлов участкаси тузилган. Улар ҳар бир сайловчининг овоз беришда қатнашиши учун энг кўп қулайликни таъминлайдиган тарзда тузилган. Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, ҳарбий қисмларда, катта темир йўл станцияларида, аэропортларда, денгиз ва дарё портларида, сайлов куни сафарда бўлган кемаларда, Арктика ва Антарктиданинг қутб станцияларида ҳам сайлов участкалари тузилмоқда.

Ҳозирги вақтда жамоат ташкилотларидан, меҳнат коллективларидан кўрсатилган вакилларнинг округ сайловолди кенгашларини ўтказиш тугалланмоқда, бу кенгашларда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар — коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг муносиб намояндалари яқдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳамма жойда иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш бошланмоқда.

Меҳнат коллективларида ва гражданлар истиқомат қиладиган жойларда оммавий-сиёсий ишлар кенг миқёсда ўтказилмоқда, бу ишларда мингларга агитаторлар, пропагандистлар ва сиёсий ахборотчилар қатнашмоқда.

Сайловга тайёргарлик ишлари иттифоқдош, автоном республикаларнинг Конституцияларида ҳамда республикаларнинг Олий Советларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилмоқда.

(ТАСС).

## К. В. РУСАКОВ ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СОФИЯ. 17 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков бугун бу ердан жўнаб кетди. У КПСС ва БКП маҳаллий партия органлари йўли билан дўстона алоқаларни ривожлантириш масалаларига бағишланган кенгашда қатнашди.

София аэропортида меҳмонни БКП Марказий Комитетининг секретарлари Д. Станишев билан Г. Атанасов, БКП Марказий Комитетининг масъул ходимлари кузатиб қолдилар.

* * *

К. В. Русаков шу куниёқ Москвага қайтиб келди. Аэродромда уни КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов ва бошқа кишилар кутиб олдилар.

## ТОШКЕНТ ТЕАТРИГА — НЕРУ НОМЛИ МУКОФОТ

18 январь куни Ҳамза номли ўзбек Давлат академик театрининг Рабиндранат Тагор асари асосида саҳналаштирилган «Ганг дарёсининг қизи» спектакли одатдан ташқари бошланди. Парда очилганида томошабинлар спектаклда банд бўлган гримдаги артистларни ҳам, натта ижодий коллективнинг бошқа аъзоларини ҳам саҳнада кўрдилар. Шу оқшом театрга Жавоҳарлал Неру номли мукофот тантанали вазиятда топширилди. Совет — Ҳиндистон дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси учун театр ана шу мукофотга сазовор бўлган эди.

Республикадаги кекса театр коллективининг саҳна усталари Ҳиндистон йирик адибларининг ижодиётидан бир неча марта фойдаланишган. Ҳамза театри артистлари «Ганг дарёсининг қизи» спектаклини биринчи марта 1956 йилдаёқ кўрсатишган эди. Уша пайтдан буён Калидаса асари асосида «Шакунтала», Р. Тагорнинг «Почта» асарлари саҳналаштирилди. Театрнинг бу спектакларини Ҳиндистон дан келган меҳмонлар неча марталаб олқишлаб кутиб олишган. Ўз навбатида тошкентлик етанчи артистлар Ҳиндистон шаҳарларининг меҳмонлари бўлишган. (ЎзТАГ).

# ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛ МАРРАЛАРИ

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1980 ЙИЛГИ

## СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан беш йилликнинг тўрт йили планини муваффақиятли бажарди. Ўтган йили планга қўшимча суратда 1346 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати 6,8 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Бирлашма меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми, СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидаги қоида ва хулосаларни сидқидилдан қўллаб-қувватламоқдалар. Коллектив В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигига шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ўз зиммасига қўйидаги социалистик мажбуриятларни олди:

маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик планни муддатидан илгари — 26 декабрда бажарилади. Саноат ишлаб чиқариши пландаги 5,2 процент ўрнига 7,2 процент ўсиши таъминланади. Пландан ташқари 50 минг сўм фойда олинади. Топшириққа қўшимча равишда 710 дона панель; 720 дона СФОА шкафлари, 3 минг дона пакетли виключателлар ва переключателлар; 19 минг дона реле аппаратлари ишлаб чиқарилади. В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги кунигача пландан ташқари 400 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилади, уларни ишлаб чиқариш 1979 йилга нисбатан 2,5 процент кўпаяди. Халқ истеъмоли молларининг янги уч хил турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, улардан иккитаси давлат Сифат белгисини олиш учун аттестациядан ўтказилади.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш ўтган йилда эришилган даражага нисбатан 7 процент кўпайтирилади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига бутун ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришилади.

Янги техника, прогрессив технология ва ташкилий-техникавий тадбирларни жорий этишдан 430 минг сўмлик иқтисодий самара олинади.

483 тонна қора металл, 40,6 тонна рангли металл, 790 минг киловатт-соат электр энергия, 60 тонна шартли ёқилғи тежалади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифати оширилади, юксак сифат категориясини олиш учун 8 та буюм аттестациядан ўтказилади.

Техника билан қайта қуролланиш ва бирлашманинг филиалларини янада ривожлантириш юзасидан бир қанча тадбирлар планли равишда амалга оширилади.

Коллективларни социал ривожлантириш планини амалга ошира бориб, 700 нафар янги ишчи тайёрланади, 900 ишчининг малакаси оширилади, 1300 киши иқтисодий таълимга жалб этилади, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 120 кишининг малакаси оширилади. Шартли равишда йилига 590 минг сўм фойда келтирадиган 265 та рационализаторлик таклифи жорий этилади, механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнати салмоғи 0,8 процент камайтирилади.

«Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмайди» деган ватанпарварлик ташаббусига амал қилиб, барча бригадалар, участкалар ва цехларда ана шу ҳаракат кенг ёйилади.

Қишлоққа оталиқ ёрдами бериш юзасидан белгиланган тадбирлар комплекс плани ошириб бажарилади.

Бирлашма коллективи Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга шартномаларга қатъий риоя қилган ҳолда маҳсулот етказиб беришни таъминлайди, илғор фан-техника ва ишлаб чиқариш тажрибасини айирбошлаш давом эттирилади.

**Мажбурият бирлашма цехлари ва бўлимлари коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

# ТАШАББУСКОРЛИК ФАЗИЛАТИ

Районимиз партия ташкилотлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили юксак хўжалик вазифаларини бажаришга уюшқоқлик билан киришдилар. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига тайёргарлик ишлари меҳнат аҳлининг мўл ҳосил етиштириш учун курашига, барча бунёдкорлик ишларига беқиёс снёсий кўтаринкилик ва ташаббускорлик бахшида этмоқда. Чўлқуварларимиз ленинчасига яшаш, меҳнат қилиш учун курашиб, қиш кунларини ҳам зарбдор вахтада ўтказмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев ҳозирги халқ хўжалик вазифаларига тадбиқан ташкилий, оммавий-снёсий, идеологик ишларимизнинг бош йўналишларини белгилаб берди. Бу социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдиришдан, уни асосан сифат кўрсаткичларига йўналтиришдан, муқобил планлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун барча воситалаги ишга солишдан, меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама оширишдан, илғор тажрибани қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйишдан, иқтисодий тежамкорликни ижчиллик билан ўтказишдан, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишдан, меҳнат интизомини бузишга, ландовурлик ва бўшашувчиликка қарши курашдан иборатдир. «Бу курашда, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев, — меҳнат коллективларининг роль ўйнашлари лозим...»

Дарҳақиқат, меҳнаткашларни беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини бажаришга сафарбар этишда меҳнат коллективлари, уларнинг ядроси — бошланғич партия ташкилотларининг роли жуда каттадир. Улар ишлаб чиқаришнинг ана шу кичик ячейкаларида юксак талабчанлик, уюшқоқлик, ишга ижодий муносабат вазиятини вужудга келтириб, оммавий-снёсий, идеологик ишларимизнинг бош йўналишларини белгилаб берди. Бу социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдиришдан, уни асосан сифат кўрсаткичларига йўналтиришдан, муқобил планлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун барча воситалаги ишга солишдан, меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама оширишдан, илғор тажрибани қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйишдан, иқтисодий тежамкорликни ижчиллик билан ўтказишдан, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишдан, меҳнат интизомини бузишга, ландовурлик ва бўшашувчиликка қарши курашдан иборатдир. «Бу курашда, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев, — меҳнат коллективлари

# ЎРТАЧЎЛ ЎҒЛОНИ

*ЛАВҲА*

Қиш яхши келди. Ҳаво илиқ бўлганидан қирлар яшил ўт билан қопланган. Айниқса, унгурларнинг кунгай бети ямяшил баҳмал тўшалгандай бўлиб кўринади. «Газик» Абдуҳамид яйловлари сари илдам борар, Турди эса атрофдан кўз узмасди. Ана, кўкатлар учидаги шабнамлар қуёшнинг заррин шуълаларида чўғдек товлана бошлади. «Яна бир кун, — деб ўйлади Турди. — Қўзилатиш кампаниясигача қолган муддат яна бир кунга қисқарди».

Ҳа, бу йил Турди Мамадиёров директорлик қилаётган «Ғузор» давлат наслчилик заводи аъзоларини жуда катта мақсад йўлида кураш олиб бормоқдалар. Улар ҳар юз бош совлиқдан 160 қўзи; ҳар бир қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб олишмоқчи! Бунинг учун ҳар бир сонияни қадрлаб, ундан унумли фойдаланиш лозим бўлади! «Газик» қирдан ошиб, қиялиққа знаётганда ҳув наридаги сойда бир қора кўзга чалинди. Турди: «машинани шу ёққа буринг-чи», — деди шоферга. Боришса, бир она совлиқ сурувдан қолиб, янги туғилган эгиз болалари атрофида парвона бўлиб, уларни ялаб-юлқаб қуритмоқда эди. «Нишона», деб ўйлади Турди. Сўнг совлиқни ҳуркитмаслик учун бир четда уни кузатиб турди. Баданига илдиги югурган қўзичоқлар оёққа туришга ҳаракат қилишди. Бироқ оёқлари қалтираб йиқилишди. Улар яна туришга интилдилар. Аммо бу дафъа ҳам қўзичоқларнинг нимжон гавдалари ерга қуладди. Турди билан шофер шоша-пиша совлиқни, қўзичоқларни машинага олди. Шофер қўзичоқларни пахталик фуфайкасига ўраб, орқа ўринданқа жойлаштирди. Сўнг улар Кўчқор аканинг ўтови томон йўлга тушишди.

«Газик» бир зумда ўтовга етиб келди. Шофер она совлиқни, қўзичоқларни машинадан туширди. Шу чоғ Кўчқор ака ҳам от чоптириб келиб қолди.

— Суюнчи беринг, — деди Турди киноямуз оҳангда. — Сиз бир совлиқни қолдириб келибсиз. Йўқотган молингизни уч бош қилиб келтирдик.

— Раҳмат, ука, — деди Кўчқор ака ҳиёл қизариб. — Тонг қоронғисида отарни шу ёққа ёйгандим. Э, бу йилги қиш чўпонларни ҳам лол қилиб қўйди-ку... Қўзилатиш ҳам хийла эрта бошланадими, дейман. Суюнчи бўлса қочмас. Ҳар юз бош совлиқдан 180 дан беramиз, деганмизу, ука.

— Шу — суюнчи бўлдими? — деди Турди норози бўлгандек. Лекин унинг юзларида бир мамнуният акс этди. Бундан унинг чўпон-чўлиқларига ишониши, улар билан фахрланишини пайқаш қийин эмас эди.

— Ҳа, бўпти, — деди Кўчқор ака ҳам бўш келмай. — Боринг-ки, 180 дан эмас 200 дан бўлсин.

— Гап-гаплми?!

— Албатта, Турдижон ука!

— Ана бу гапингизга суюнса бўлади! — Турди мамнун жилмайди «Газик»ка чиқар экан.

Заводнинг 3-фермаси Абдуҳамид яйловининг адоғида эди. Бу ерда хўжалик чорва молларининг асосий қисми боқилади. Заводнинг қўзилатишга тайёргарлик ва қўзилатиш кампанияси назорати штаби ҳам шу ерда ташкил этилган. Директор штабга чошгохда етиб келди. У штабдагилар билан гаплашиб, тайёргарликнинг борариши ҳақида фикрлашиб олди. Чорвадорларнинг талаб ва истакларини ён дафтарига қайд этди. Уларнинг ишидан кўнгли тўлиб, Эшонқудуқ яйловига йўл олди.

Турди чорвадор фарзанди. Асли ўртачўллик. Отаси Мамадиёр ҳам Ўртачўлда донги кетган чўпонлардан эди. Турдининг болалиги шу ерда — ёвшон ва шувоқ билан қопланган бепоён чўлларда, гумбазсимон кигиз ўтовларда ўтди. Ўрта мактабни тугатгач Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтига йўл олди. Ветеринария врачи бўлиб, яна қадрдон чўлига қайтди ва «Муборак» совхозида ишлай бошлади. Бир йилдан сўнг совхоз маъмурияти Турдини қолоқ қўйчилик фермасига мудир қилиб жўнатди. У фермани қолоқликдан илғор коллективлар даражасига кўтариш учун жонжаҳди билан ишга киришди. Бутун ғайратини ишга солди, ниятига эришди ҳам. Коммунист Турди Мамадиёров раҳбарлик қилган иккинчи ферма 1972 йилда ҳар юз бош совлиқдан 180 тадан қўзи олди. 9 минг дона қоракўл тери ва бошқа кўплаб чорвачилик маҳсулотларини давлатга топширди. Турдининг номи эл оғзига тушди. Лекин у бу муваффақиятлари билан қаноатланиб қолмасдан совхоз директори Александр Попов, Қурбонмурод Ҳамроев, Жуманазар Қулиев сингари катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган норзадорлардан чорвачилик сир-синоатларини қунт билан ўрганди. 1973 йилнинг бошида у «Ғузор» давлат наслчилик заводига бош ветеринария врачи бўлиб ишга келди. Орадан 3 йил ўтгач чорвачиликда катта тажриба тўплаган Турди Мамадиёров ана шу совхозга директор қилиб тайинланди. Мана шундан буён тўрт йил ўтди. Бу даврда ичида хўжаликда бекиёс ўзгаришлар юз берди. Қўйлар сони 47 мингдан 80 мингга етди. Хўжаликда йилига 500 тонна гўшт етиштириб берувчи бўрдоқичилик пункти барпо этилди. Давлатга кўплаб аъло сифатли қоракўл терилар етказиб беришдаги зафарлари учун бултур хўжалик Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг биринчи даражали дипломига сазовор бўлди ва мукофот тарихасида «Волга» енгил автомашинаси берилди. Ўтган йиллар ичида мингдан зиёд зотдор қўчқорлар Молдавия, Украина ва Тожикистон каби қардош республикаларга ҳамда қатор социалистик мамлакатларга сотилди.

Хўжаликда чорвачилик йил сайин юксалмоқда. 1976 йилда заводда ҳар юз бош қўй ҳисобига 120 та қўзи ва 208 килограмм жун тўғри келган бўлса, бултур бу кўрсаткич яна ҳам баландроқ бўлди. Ҳар юз бош қўйдан 150 тадан қўзи, ҳар қўйдан 3,2 килограммдан жун қирқиб олинди. Ватанга 26 минг дона қоракўл тери етказиб берилди. 21 минг бош қўзи насл учун қолдирилди. 430 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. Бу йил эса 35 минг дона қоракўл тери давлатга етказиб бериш кўзда тутилмоқда. 23 минг бош қўзи ўсишга қолдирилади. 550 тонна гўшт етказиб берилади.

Бу рақамлар замирида қанчадан-қанча ташвишли тунлар ва сермашаққат кунлар ётади. Бу рақамларнинг ижодкорлари Чана Раҳимов, Қўчқор Турсунов, Шомир Қодиров, Алпомиш Аминов, Раҳмат Норбўтаев, Нормамат Рўзиевга ўхшаш 250 дан ортиқ чўпон-чўлиқлардир. Улар чорвачиликка илғор фан ютуқларини, тажрибаларни қўллаб шундай муваффақиятларга эришяпти. Уларнинг меҳнатлари билан хўжалик обод, одамлари бадавлат бўлиб бормоқда. Абдуҳамид яйловида яқинда совхознинг янги марказий қўрғони бунёд этилади. Ана шу ишларнинг барчасига ёш директор бош-қош.

Совхозда чўпонларнинг ажойиб авлоди камол топди. Чўпонлик касби наслдан-наслга ўтиб, абадий, умрбоқий касб бўлиб қоляпти. Буни хўжаликнинг бош чўпонлари Чана Раҳимов ва Қилич Турахоновлар ҳаёти мисолида кўриш мумкин. Бу икки чўпоннинг барча фарзандлари ота касбини эъзозлеганлардан. Чана акаларнинг Бозор, Ҳайрулла, Хуснидин каби ўғиллари ҳам бош чўпон. Қилич ака Турахоновнинг Зиёдулла, Панжи, Чоршанби сингари фарзандлари ҳам қўйчузон...

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш масаласини кун тартибига қўйди. «Ғузор» давлат наслчилик заводининг қўйчувонлари бу қарорга амалий иш билан жавоб бераётирлар. Шу мақсадда экин майдонлари кенгайтириляпти. 170 минг гектар майдонда изен ва саксовулзорлар барпо қилинди. Кўплаб ёзги кашар ва қўтонлар, қўзихоналар қурилди. Завод ҳузурида ҳар йили 500 тонна гўшт етиштириб берувчи бўрдоқичилик пункти ва янги инкубатория ишга туширилди. Хўжаликда чўчқачилик, туячиликка ҳам жиддий эътибор бериляпти. Айни пайтда 30 она чўчқа, 20 бош туя, 35 минг товуқ парвариш этилмоқда. Наслчилик заводининг барча юмушларини елкасида кўтариб юрган чорва зоотехниклари ва ветеринарлар — Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатлари Ёдгор Ҳамроев, Ҳамроқул Ҳамроев, Ҳамроқул Ҳамроев, Ҳамроқул

## СПОРТ

### «ПАХТАКОР» МАВСУМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси янги мавсумга тайёргарлик кўра бошлади. Командानинг янги мураббийси Сергей Михайлович Мосягин «Қибрай» базасида футболчиларни биринчи марта тўплади.

«Пахтакор» командасининг кўпгина аъзолари С. М. Мосягинни яхши биладилар. Ана шу тренер раҳбарлигида ҳозирги вақтда асосий ва дублер составда қатнашаётган бир қанча ўйинчиларимиз СССР ёшлар ва ўсмирлар терма командаларининг масъулиятли мусобақаларига тайёрланган эдилар. Кейинги вақтда эса Сергей Михайлович мамлакат биринчи терма командасининг мураббийларидан бири эди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Я. Аранович ва яқинда тренерлик ишига ўтган Т. Исоқов С. Мосягинга кўмаклашмоқдалар.

«Пахтакор» командасининг аввалги состави асосан сақланиб қолди. Табиийки, бирмунча ўзгаришлар ҳам бўлди. Асосан «республика резерви»дан янги аъзолар келиб қўшилди. Дублерлар составида, биринчи ва иккинчи лига командаларида ўйнаган ўсмирлар, футбол мактабларидан етишиб чиққан ўйинчилар асосий составда куч синашадилар. Коллективга икки футболчи — Марказий Армия спорт клубидан ярим ҳимоячи Владимир Кухлевский билан Харьковнинг «Металлист» командасидан дарвозабон Василий Житник таклиф этилди. Бу мавсумда Валерий Глушаков, Андрей Якубик ва Петр Василевский «Пахтакор» командаси составида қатнашмайдилар.

«Пахтакор» бу йил биринчи лигада қатнашадиган Жиззахнинг «Бўстон» командаси билан биринчи контроль учрашувда 3:2 ҳисобида ғалабага эришди. Энди «Неделя» газетаси соврини учун бўладиган халқаро турнирда қатнашади, Болгарияда ва жонажон стадионда машқлар қилади.

(ЎзТАГ).

Тошкент трактор заводи опера театрига эга. Корхона маданият саройи ҳузурида бундан чорак аср илгари ташкил этилган бу театр коллективи ўз репертуарини бойитиб бормоқда, халқ театри деган номни оқлаётир. Театр артистлари Вердининг «Травиата», Пучиниининг «Чио-Чио-Сан», Бизенинг «Кармен», Мейтуснинг «Ёш гвардия» операларини маҳорат билан намойиш этишмоқда. Суратда: тракторсозлар опера театри артистлари.

А. Усмонов ва Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

# АЯНЧЛИ ОҚИБАТ

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг алоҳида ва муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Салоҳиддин Алоҳиддинов хонасидамиз. Жиноий ишлар юзасидан делоларни варақлайтган бу тажрибали терговчи мана ўттиз йилдирки, шу соҳада ишлаб келади. Кўпгина мураккаб жиноий ишларни очиб катта обрў орттирди. Партия ва ҳукуматимиз уни «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотлади.

Яқинда бўлимга ташвишли бир сигнал тушди. Унда давлатнинг кўп миқдордаги маблағи талон-торож қилинаётганлиги тўғрисида хабар қилинган эди. Бўлим бошқарувчиси вазифасини вақтинча бажариб турган милиция майори С. Алоҳиддинов ёш терговчи Б. Коваленкони чақирди. У ўтган йили Тошкент олий милиция мактабини битириб келган эди. Милиция майори ишни унга топширар экан:

— Кўтарилган масала жиддий. Шошмасдан, қунт билан ўқинг. Изни топишнинг йўлларини ўйланг, — деди.

— Ишончингиз учун раҳмат, ўртоқ майор. Лекин бунинг уддасидан чиқармиканман, — деди Коваленко иккиланиб.

— Кўз қўрқоқ, қўл ботир, дейдилар. Энди эстафетани сизларга ишонib топширмасак, кимга ишонамиз, — деди бошлиқ. — Қўрқманг ўзим хабардор бўлиб тураман.

Ёш терговчининг биринчи иши. Жиноий ишни очишдаги қийинчиликлар йўлини ташвишлантирди. Ҳатдаги ҳар бир рақам, ҳар бир сўз ўйлаб иш қилишни тақозо этарди.

— Ажабо, сир очилишидан қўрқмасдан шундай жиноятга қўл уришадими? — ҳаёлидан ўтказди Борис.

У яна устозига мурожаат этади. Бир рақам устида икки кишилашиб бош қотиришади. Кунлар тунларга, тунлар эса кунларга уланади. Вақт билан эса ҳисоблашиш ҳаёлга ҳам келмайди. Улар кимлар билан учрашмайди, кимлар билан суҳбатлашмайди, бировнинг бўйнига жиноятини қўйиш ўзи бўлади, дейсизми!

— Раҳмат устоз. Ёрдамингиз бўлмаса, шундай катта ва масъулиятли ишни поёнига етказиш қўлимдан келармиди, — деди Коваленко милиция майорига.

Мана ўша сигнал асосида тўпланган 298-рақамли жиноий иш делоси.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигининг 1-гишт заводлар бошқармасига қарашли маданий моллар цехининг бошлиғи Александр Липский қўли эгрилардан чиқиб қолди. Текин топгани уни қутуртирди. Борган сари каттароқ, салмоқлироқ пул топиш домига тушди.

Ўзи бошлиқ бўлган цехда нима кўп — полиэтилен. «Шундан фойдаланиб қолиш керак. Бировнинг асаласи кетармиди. Ахир цехда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ичида у ўйлаб топган буюмлар номи йўқ, ҳисобга киритилмаган. Бунинг учун кўмакдошлар зарур». Цех бош инженерининг ўринбосари Бахтиёр Зокиров, тайёр маҳсулотлар омбор мудири Шокир Жалилов, цех экономисти Мария Бондаренколар бу ҳақдаги таклифни эшитишиб ўзларида йўқ хурсанд бўлиб кетишди.

— Ана шу полиэтилендан ёшлар сумкалари, пакетлар ва панно ясасак-да, унга «Аист» деб ном берилган буюмлар тайёрласак.

— Нархи нима бўлади?

— Бор-ю донаси бир ярим сўмликни ярмига бор барака қилсак, кимлар ўлмайди, дейсиз. савдолашиб ўтирармидик.

Иш бошланиб кетди. Бир куни Липский Жалилов билан Бондаренкони ҳузурига чақириб цехнинг ҳисобига киритилмаган 36 минг сўмлик 511 минг дона буюмга ҳужжат ёздириб олди. Маҳсулотлар Андижон билан Марғилон шаҳар саноат моллари магазинларида сотиш учун юбортирилди. Аммо илгарироқ худди ана шу рақам билан савдо ташкилотларига цех ҳисобидаги буюмлар жўнатилган ва у ҳисоб-китоб дафтарига қайд қилинган эди. Фирибгарлихни қарангки, яна бир рақам билан иккинчи буюмга қалбаки счет ёзилса. Бир дақиқа ичида давлатнинг 36 минг сўм пулини сув қилиб юборишса?

Шокир Жалилов билан Бахтиёр Зокиров бошлиқлари томонидан олтин водий бўйлаб командировка қилинди. «Жигули» машинасига ортилган моллар Андижон шаҳрига етказиб келинди. Андижон Горпромторгига қаришли 1-саноат моллари магазини бўлим мудири Абдураҳим Қурбонов меҳмонларга пешвоз чиқиб, илиқ кутиб олди. Улар бир қарашларида бир-бирларини тушунишди-ю мақсадга кўчишди. Бу кимса баҳоси бир сўм эллик тийин турадиган ёшлар сумкасидан 2500 тасини олиб шарақлатиб пулни санаб берди. Бу билан ҳар икки томон нақд минг сўмдан фойда кўришди. Мезбонга яна 5100 сўмлик 75 минг дона пакет пулланди. Сиздан угина, бизданг бугина қабилида тутилган ишдан магазинча 2350 сўмлик бўлиб қолди.

Мазкур савдо ташкилотига қарашли 11-саноат моллари магазини сотувчиси Мухтор Ихтиёров ҳам мўмай тушимдан хабар топди-ю, тинчи бузилди. Юрагига қойил-э, бирданига 24300 сўмлик молни магазин омборига жойлади-ю, шундан кейингина таскин топди.

Гастролчи чайқовчилар йўли Марғилонга бурдилар. Улар бу ерда «Узкультторг» базасининг Марғилон шаҳридаги омбор мудири Муҳаммаджон Тожиматов билан танишдилар. Жалилов билан Зокиров 9612 сўм 50 тийинлик молни унга ўтказишиб, ҳамёнларини тўлғазишган ҳолда Тошкентга — бошлиқлари томон учишди. Улар бир-бирларига «мана шундай пайтда қанот боғламасанг, қачон парвоз этасан», дея илжайишиб қўйишарди.

Қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деб бекорга айтилмаган. Оқибат нима бўлди? Мана сизга чайқовчилигу фирибгарлик натижаси. Ҳамалари қўлга туширилди. Абдураҳим Қурбонов, Мухтор Ихтиёровлар аста-секин сотиб, маза қилиб еб юрамиз деб яшириб қўйган ўғирлик буюмлар ҳали тахти бузилмаган ҳолда топилди. Олмоқчи бўлган фойдаларига ўт кетди.

Липский ўзини жуда камтар, қўй оғзидан чўп олмаган киши сифатида кўрсатишга ҳаракат қилди. Хўш, ўртадан арра қилинган 3 минг 91 сўму 50 тийин пул қаёққа кетди? Дазмол тагига қўйилган қути ичидан 14475 сўм пул чиқди. Чайқовчиларнинг учта «Жигули» ва бир «Москвич» енгил машиналари савдогарлик ҳисобига олингани фош бўлди.

Шунча ишни қилишга юраги чидаган инженерни айтмайсизми, жиноятлардан ўтакаси ёрилиб, қочиб кетибди. Қаёққа кетарди, осмонга учса оёғидан, ерга кирса қулоғидан тортиб оладиганлар бор.

Тошкент шаҳар судининг З. Рустамов раислигида бўлиб ўтган мажлисида А. Липский 12 йил, А. Қурбонов билан М. Ихтиёровларнинг ҳар бири 11 йилдан, Ш. Жалилов 10 йил, М. Тожиматов 8 йил, М. Бондаренко 5 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Жиноятчиларнинг кирдикорларини ошкор қилишда бўлимнинг катта лейтенанти В. Мелихов, милиция капитанлари Х. Иногомов, А. Денисов, Ю. Абдуллаев, А. Ефремовларнинг ҳам катта ҳиссалари бор.

Т. УНАБОЕВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

# АХБОРОТ

### КОМПЛЕКС ИШГА ТУШИРИЛДИ

Андижон районидаги «Москва» совхозида янги чорвачилик комплекси ишга туширилди. Комплекснинг ҳар бирида 400 бош сигир боқиладиган иккита молхона, тўртта «Тандем» агрегати ўрнатилган сут сғриш блоки, сутга дастлабки ишлов берадиган цех бор. Бу цех ичида холодильниклар, сут тозалаш аппаратлари, сепараторлар билан жиҳозланган. Комплекс территориясида жуда катта озуқа цехи барпо этилган, силос сақланадиган траншеялар, қозонхона, артезиан қудуғидан сув чиқариш минораси қурилган.

Комплексни Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозте х н и к а»нинг Олтинкўл механизациялашган кўчма колоннаси коллективи қурди.

### ЯЙЛОВГА СУВ ЧИҚАРИЛДИ

Хоразм областидаги «Қизилжар» совхози фермаларига Амударё суви кела бошлади. Ўзбекистон яйлов мелиорация-қурилиш бирлашмасига қарашли Хоразм қурилиш-монтаж бошқармасининг меҳнатчилари қурган 10 километр узунликдаги нов ариқ орқали Амударёдан обиҳаёт келтирилди. Нов ариқ ҳар кеча-кундузда автопоилкаларга 2,5 минг кубометр сув чиқариб туради.

Қизилжарнинг яйловларида нов ариқларнинг кенг шохобчаси барпо этилмоқда.

### РЕЗЕРВ ФЕРМА

Гулистон районидаги Крупская номли совхоз сувчисининг дарвозаси олдида юк машинаси тўхтади. Бу ерда машинани кутиб туришган эди. Уй эгаси ҳовлидан семиз буқани етаклаб чиқди. Машина яна бир қанча колхозчиларнинг хонадонлари эшиги олдида тўхтаб ва анчагина молларни ортиб район тайёрлов конторасига томон йўл олди. Бу ерда молларни тортиб, қабул қилиб олдилар, ҳужжатлар расмийлаштирилиб колхозчиларга шу заҳотиёқ нақд пул берилди.

Хўжаликда колхозчиларнинг 300 дан ортиқ хонадонида мол боқилмоқда. Колхоз молларни тайёрлов пунктига олиб бориш машина ажратибгина қолмай, аҳолига ўз қарамоғидаги молларни боқиш учун ёрдам ҳам кўрсатмоқда.

Ҳозир колхозда хонадонлардан мол харид қилиш йиллик плани ошириб бажарилди.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

### БУГУН

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.10 — АБВГДейка. 10.40 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 4- серия. 11.45 — Ота-оналар, Сизлар учун. 12.15 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 12.45 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 13.15 — Москвичка. 14.20 — Спортлото. 14.35 — Шоир Михаил Исаковский туғилган кунининг 80 йиллигига. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 16.30 — Мультфильмлар. 16.55 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.55 — Тамбу-Ламбу. Бадиий фильм. 18.25 — Концерт. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. Она садоқати. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Олтин нота. 23.00 — Спорт программаси. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

I

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Кинопублицист экрани. 11.00 — Спектакль. 12.50 — Спорт программаси. 13.20 — Ҳамма гап акамда. Бадиий фильм. 14.35 — Ешлик. 15.35 — Жанговар постда. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.45 — До-ре-ми-фа-соль. 19.15 — Эҳтиёт бўлинг, грипп. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирки сеҳмай бўладими. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист Жўрабек Набиев куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Тўлин ой кечаси. Бадиий фильм.

**ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

## РАДИО

### БУГУН

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — Бобир лирикаси. 9.30 — Санъат саодатимдир. 10.25 — Гулшан. 11.30 — Ёш ижрочилар концерти. 13.00 — Беш йиллик қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қиламиз. 13.30 — Дам олиш соатида. 14.00 — Р. Раҳмонов. «Деҳқон уйи». Радиоочерк. 16.00 — Музикали салом. 17.30 — Халқ куйларидан концерт. 18.15 — Партия ташкилотларининг таянчи. 19.45 Эстрада миниатюралари. 20.25 — Музикали глобус. 21.00 — Санъат саодатимдир. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.28 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

# «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

21 — 27 ЯНВАРЬ

### 21 ЯНВАРЬ ДУШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Сиз ёқтирган шеърлар. 10.35 — Кийилган туфличалар. Бадиий фильм. 11.35 — Мўъжизасиз—мўъжизалар. 14.55 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Сиз яратган бог. 17.00 — Тор чанги спорти бўйича жаҳон кубоги учун. 17.30 — Олга, болакайлар! 18.30 — Ленин халқ қалбида. 18.55 — Учинчи патетик. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Теннис. 20.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Концерт.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I

11.30 — Уралнинг оғир саноати. 12.00 — Гобой. Бадиий фильм. 12.30 — Географиядан миз. 19.00— Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Беш йиллик. Якунловчи йил. 20.00 —Пролог. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Музикали программа. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Илҳомбахш саҳифалар. Фильм-концерт.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I

11.30— Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Илмий-оммабоп фильм. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Жиблажибон армияси. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Еш қуч. 19.00 — Меҳнат интизоми — ишчининг виждони. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ленин комсомоли мукофоти лауреатларининг концерти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ердамчи хўжаликларга эътиборни кучайтирайлик. 22.25 — Рақс муаллими. Фильм-спектакль, 1-қисм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Райснинг ўйлари, ташвишлари. 20.55 — Ўқитувчи экрани. 21.25 — Назарий математика. 22.25 — Фарзандлар. Бадиий фильм.

### 22 ЯНВАРЬ СЕШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Учинчи патетик. Фильм-спектакль. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Биринчи рус революцияси бошланганлигининг 75 йиллигига. 15.45 — Адабий ўқиш. 16.10 — Бил ва уддала. 16.55 — Телестадион. 17.25 —Ўқитувчига музика дарси. 18.30 — Биз БАМни қурямиз, халқ театри деган номни оқлаётир. Театр артистлари Вердининг «Травиата», Пучиниининг «Чио-Чио-Сан», Бизенинг «Кармен», Мейтуснинг «Ёш гвардия» операларини маҳорат билан намойиш этишмоқда. Суратда: тракторсозлар опера театри артистлари.

А. Усмонов ва Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

### 23 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Пролог. Бадиий фильм. 11.35 — Киносаҳатчилар клуби. 12.35—Фильм-концерт. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг — иқболинг. 16.20 — Қадрдон табиат. 16.40 — Поэзия. 17.10 — Подмосковье учрашувлари. 17.40 —Фортепьяно куйларидан концерт. 18.15 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. 18.45 — Горнчилар, қаердасиз? 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.45 — Спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Балет ҳақида. Кўрсатув тугагач Дунё воқеалари.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Жиблажибон армияси яна жангда. Бадиий фильм. 18.20 — Қувноқ учрашувлар. 18.45 — Қувноқлар даврасида. 19.15 — Қишки дала ишларини жадал ва сифатли бажарайлик. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Рақс ўқитувчиси. Фильм-спектакль, 2-қисм.

II

22.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильм. 20.45 — Реклама. 21.00 — Ўқитувчи экрани. 21.30 — Физкультурачилар — «Олимпиада-80»га. 22.00 — Физика.

### 24 ЯНВАРЬ ПАЙШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қаердасиз? 10.35 — Спектакль. 12.20 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Қишлоқдаги оддий иш кунлари. 16.05 — Ҳукуқ ҳақида суҳбатлар. 16.35 — Ф. Шуберт. Си минор симфонияси. 17.00 — Рус тили. 17.30 — Ёш спортчининг катта майдони. 18.00 — Концерт. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Телевизион фильм. Кўрсатув тугагач, Дунё воқеалари.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I

11.30 — Болалар учун кинофильм. 12.00 — Ешлик. 12.40 — Врач маслаҳатлари. 12.55 — Капалаклар ўйини. Спектакль. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Концерт. 19.05 — Илмий-оммабоп программа. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Газал оқшоми. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Фарғона область Ўзбекистон райони чорвадорларининг янги марралари. 22.25 — Голиблар. Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Биология. 20.55 — Химия. 21.55 — Ҳужжатли фильм. 22.45 — Қадимги романс кечаси. 1-кўрсатув.

### 25 ЯНВАРЬ Ж У М А

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.30 — Ердаги кишилар. Бадиий фильм. 11.45 — Халқ ижодиёти. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб. 16.10 — РСФСР халқ артисти В. Малинин чалади. 16.40 — Шахмат мактаби. 17.10 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 17.40 — Москва ва москваликлар. 18.10 — Халқ оҳанглари. 18.25 — Орлёнок. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Афғон артистларининг концерти. 20.00 — Сайловдан-сайловгача. 20.15 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 21.00 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида қишлоқ хўжалиги ёш илғорларига бағишланган кеча. Танаффус пайтида Дунё воқеалари.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I

11.30 — До-ре-ми-фа-соль. 12.05 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.35 — Софья Грушко. Бадиий фильм. 18.20 — Болалар учун кинофильм. 18.30 — Ешлик. 19.00 — Фойдали учрашувлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Оламда нима гап. 20.30 — Ахборот. 20.50 — М. Горький номли Фарғона музикали драма театри артистларининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистон балети ҳақида. 2-кўрсатув.

II

20.05 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.35 — Биология. 21.05 — Математика. 22.05 — Агитпункт чироқлари. 22.35 — Йўл. Бадиий фильм.

### 26 ЯНВАРЬ Ш А Н Б А

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Моҳир қўллар. 10.35 — Фильм-концерт. 11.35 — Ота-оналар, Сизлар учун. 12.05 — Дон казаклари Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 12.45 — Жонажон ўлка оҳанглари. 14.15 — Инсон. Ер. Коинот. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Каштанка. Бадиий фильм. 16.20 — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Б. Руденко концерти. 16.55 — Ҳайвонот оламида. 17.55 — Ҳиндистон республика деб эълон қилинганлигининг 30 йиллигига. 19.00 — «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 20.00 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Бокс бўйича халқаро учрашув. СССР — АҚШ терма командалари.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

I

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сўз кетидан — сўз келар. 10.45 — Телевизион миниатюралар театри. 11.30 — Ўзбекистон — Олимпиада йилида. 12.00 — 8+1 эстрада программаси. 13.00 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 13.30 — Ўзбек шоирларининг янги таржималари. 14.00 — Мактабгача ёшдаги бола ва мактаб. 14.30 — Замандас. 18.20 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 18.55 — Ота-оналар университети. 19.20 — Ахборот. 19.45 — Цирк программаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ана-ука Вахобовлар куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VI халқаро Тошкент кинофестивали олдидан. 23.30 — Олий лига аёллар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — «Уралочка» (Свердловск).

**ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

17.00 — Душанба кўрсатувлари.

### 27 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.35 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 — Здоровье. 12.20 — Тонгги почта. 12.50 — Колхоз қурилишчининг 50 йиллиги олдидан. 13.50 — Музикали ноток. 14.20 — Мангу даъват. Бадиий фильм 4-серия. 15.25— Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 16.20 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Мультфильмлар. 17.40 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 17.55 — Цирк майдонида. 18.20 — Халқаро панорама. 19.05 — Киносаҳатчилар клуби. 20.05 — Зилол сув жилоси. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 22.35 — Фильм-концерт.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

I

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Қўшигимсан ёшлигим. 10.50 — Қўй, йиглама қизча.. Бадиий фильм. 12.05 — Қувноқ стартлар. 13.05 — Шахмат мактаби. 13.35 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 14.05 — Шоирлар болаларга. 14.35 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 15.05 — Реклама. 18.20— Мультфильм. 18.30 — Ешлар цирки. 19.00 — Ўйлаб топ. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Лазги» ашула ва рақс ансамбли концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 23.05 — Агитаторлар ҳақида ҳикоялар.

**ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

16.15 — Фрунзе кўрсатувлари.


## РЕКЛАМА ва эълонлар

### Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/I да **Бўрон** 20/I да **Золушка** (12.00), **Кармен** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да **Кўрмайин босдим тиконни**, 20/I да **Шошма, қуёш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/I да **Олтин камар**, 20/I да **Тошкентнинг нозанин маликаси.**

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

**25 январдан бошлаб**

**ЯНГИ ПРОГРАММА**

(2 бўлимда)

**«БУГУН ВА ҲАР КУНИ»**

АРЕНАДА БИРИНЧИ МАРТА

**Валерий КУЗЬМИН** раҳбарлигида

**УРГАТИЛГАН БЎГМА ИЛОН БИЛАН ТИМСОҲЛАР**

**Доимо манежда масхарабоз ҳазиллари ва репризлари.**

**Таниқли масхарабоз, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Евгений МАЙХРОВСКИЙ ижросида интермедиялар.**

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00, 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 дан 20.00 гача ИШЛАЙДИ.

**КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**Корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, болалар муассасалари, колхозлар, совхозларнинг заявкалари бўйича билетлар кассирлар томонидан жойларга бориб сотилади.**

**44-35-84 телефон номери бўйича заявкалар қабул қилинади.**

●

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**вакант вазифаларга**

**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**кафедра мудирлари:** илмий коммунизм ва сиёсий иқтисод, КПСС тарихи, факультетлараро рус тили, немис тили, рус тилшунослиги, жисмоний тарбия, рус тили ва адабиёти таълими методикаси.

**КОНКУРС МУДДАТИ— ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.**

Мурожаат учун адрес: Урганч шаҳри, Ҳ. Олимжон кўчаси, Педагогика институти.

●

**КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ**

**ДИҚҚАТИГА!**

**«УЗБЕКЗОЛОТО» бирлашмасининг «СУҒДИЯНА» ОЛТИН ИЗЛОВЧИЛАР АРТЕЛИ**

**ТУГАТИЛАДИ**

**Давлат банкининг Самарқанд область Каттақўрғон бўлимидаги 24206 номерли ҳисоб-китоб счёти 1980 йил 1 мартдан бошлаб ёпилади.**

**ТУЛАНМАГАН СЧЕТЛАР БЎЙИЧА ДАЪВОЛАР 1980 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

●

**Урта Осиё темир йўлининг**

ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИ

**КУРСЛАРГА**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**теловоз машинистлари** (ўқиш муддати — 6 ой) **ва теловоз ремонти бўйича слесарлар** (ўқиш муддати — 2 ой).

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СУНГ БОШЛАНАДИ.**

Машинист ёрдамчиларига ҳар ойда 90 сўм стипендия тўланади.

Ёлғизлар прописка ва яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар.

Депо ишчилари махсус формали кийим билан таъминланадилар ҳамда СССР темир йўлларида ўз оилалари билан бепул юриш ҳуқуқига эга бўладилар.

**Малака ошириш курслари ва локомотив машинистлари мактаби бор.**

Мурожаат учун адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 13/22.


Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг полимерлар химияси бўлими коллективи бўлим ходими А. Раҳимова отаси

**Абдуҳалим РАҲИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45. 32-53-04. редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05. масъул секретарь — 33-79-14. 32-53-05. секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69. 32-53-97, 32-57-19. марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70 халқаро ҳаёт — 32-54-18 саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14 32-54-09 қишлоқ хўжалиги — 33-76-04 32-53-15 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36. 32-54-35 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51. 32-57-21, 32-54-24. ахборот ва спорт — 33-14-24 32-55-17 32-54-26, 32-54-27 хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20. 32-53-21, 32-54-13. иллюстрация — 32-57-22. коммунистик тарбия — 32-54-29. стенографистка — 33-73-43. 32-54-05 жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБ